

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 25 январь, № 18 (5948) Шанба

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

■ *Наманган вилоятидаги “Норинэксимптекс” масъулияти чекланган жамиятида навбатдаги бизнес лойиҳа ижроси ниҳоясига етказилди.*

### Яна бир бизнес лойиҳа

Корхона жамоаси яқин вақтга қадар, асосан, момиқ сочиқ тўқиш билан шуғулланиб келаётган эди. Эндиликда бу ерда трикотаж маҳсулотлари ҳам тайёрлана бошлади. Бунинг учун 40 миллион сўмлик технологик янгилаш тадбирлари амалга оширилиб, 15 та замонавий тикув дастгоҳи ўрнатилди. Улар ёрдамида йилига 150 миллион сўмликдан зиёд спорт либослари ишлаб чиқариш мумкин.

Норин туманининг Тўда қишлоғида жойлашган мазкур кичик бизнес субъектида ҳозирги кунда 30 киши меҳнат қилаётир. Чеварлар жамоаси якунланган йилда истеъмол бозорига 250 миллион сўмликдан ортиқ юқори сифатли маҳсулот етказиб берди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Бухорода ўтган йили хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда саккизта ишлаб чиқариш субъекти ташкил этилди.*

### Янги қўшма корхона

“Бухара-Хамрия”нинг ишга туширилиши билан эса вилоятдаги қўшма корхоналар сони етмиш иккитага етди.

Бухоро туманида фаолият кўрсатаётган мазкур ишлаб чиқариш субъекти узум концентрати тайёрлашга мўлжалланган. Лойиҳани рўёбга чиқариш учун хорижий инвесторлар томонидан 165 минг АҚШ долларилик сармоя киритилди. Ҳозир бу ерда, асосан, экспортга мўлжалланган маҳсулот тайёрланмоқда. Дарвоқе, қўшма корхона жамоаси Бухоро боғларида етиштирилган ширин-шакар узумни қайта ишлаб, қисқа вақт оралиғида 1 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга етказишга улгурди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Сифатли пишиқ ғишт иморатнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. “СБС Аққалъа комплекс” масъулияти чекланган жамиятида деворбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа рўёбида ана шу жиҳатга алоҳида эътибор билан ёндашилди.*

### Замонавий технология меваси

Тадбиркор Султонмаҳмуд Турсинбековнинг таъкидлашича, 336 миллион сўмлик сармоя эвазига келтирилган замонавий хориж технологияси жуда қулай бўлиб, у табиий газ ва кўмир асосида ишлайди. Маҳсулот тайёрлаш жараёни ҳам тубдан фарқ қилади — лойнинг ичидаги ҳаво сўриб чиқарилиб, яхшилаб пиширилади. Бу ғиштнинг мустаҳкамлигини янада оширади.

Янги тармоққа асос солиниши билан 13 та қўшимча иш ўрни яратилиши баробарида, йилига 5 миллион дона сифатли деворбоп материаллар тайёрлаш имконияти юзага келди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Навбаҳор енгил саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси котлован усулда кичик иссиқхона ташкил этди.*

### Кичик тажриба майдони

15x6 метр ҳажмли мазкур майдонда ҳозир турли зираворлар етиштирилаяпти. Эътиборлиси, Хитой технологиясига асосланган кичик иссиқхона 1,5 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, уни иситиш учун ҳеч қандай ёқилғи ва энергия талаб этилмайди.

— Қишнинг совуқ кунларида ҳосил етиштиришнинг ҳам ўзига яраша завқи бор, — дейди коллеж директори Камолиддин Аллаев. — Кичик тажриба майдонига айланган мазкур иссиқхонамиз ўқувчиларимизнинг чинакам амалиёт устахонасидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Хонобод шаҳрилик тадбиркор Рафиқ Йўлдошев бўш турган бинони мукаммал таъмирдан чиқариб, Хитой, Тайвань каби хорижий мамлакатлардан компьютерлаштирилган тўқув дастгоҳларини келтириб ўрнатди.*

### Сармоядан самарали фойдаланилди

771 миллион сўмлик сармоянинг ўз ўрнида фойдаланилиши туфайли 30 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган бежирим матолар ҳудудда фаолият кўрсатаётган тикувчилик корхоналарига етказиб берилаяпти.

Эндиликда тадбиркор шу ернинг ўзида газламага гул босиш технологиясини ҳам ишга тушириш ҳаракатида.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон эришган муваффақиятлар малайзиялик мутахассислар нигоҳида

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўз акс садосини бермоқда. Қуйида ушбу маъруза юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримлари эътиборингизга ҳавола қилинади.*

ЭЪТИРОФ

**Дато Редзуан Кушайри, Халқаро сиёсат тадқиқот маркази директорининг ўринбосари:**

— Президент Ислом Каримовнинг мазкур маърузасида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари чуқур ифодаланган. Тараққиётнинг юқори кўрсаткичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани Ўзбекистон томонидан мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш ҳамда модернизация қилиш, унинг тизимларини диверсификациялаш юзасидан вазмин, ҳар томонлама ва пухта ўйланган, узоқ муддатли истиқболни кўзлаган сиёсат олиб борилаётгани натижасидир.

Чет эл сармоялари учун қулай шароитлар яратилгани, ички бозор ҳимояси, миллий иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ жойларда инфратузилма ривожланаётгани, энергия манбаларидан самарали фойдаланилаётгани барқарор тараққиётни таъминлашга кўмаклашаётган омиллар сирасига киради.

Мамлакатда тинчлик-барқарорликнинг сақланаётгани ҳамда мустаҳкамланиб бораётгани, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг энг катта муваффақияти ҳисобланадики, бу ҳам 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муваффақият билан амалга оширилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

**Жозеф Адайкалам, “Binary” Менежмент ва тадбиркорлик университети ижрочи раиси:**

— Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилгани натижасида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Иқтисодиёт тармоқларини тубдан ўзгартириш бўйича узоқ муддатли вазифалар ҳал қилиниши, модернизациялаш ҳамда диверсификациялашнинг ижобий ўзгаришлари таъминланмоқда.

Янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишининг таъминлангани бу йўналишдаги энг муҳим муваффақиятлардан бири ҳисобланади.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар кишида алоҳида таассурот қолдиради. Ўқитиш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган таълим меъёрлари ва дастурларининг такомиллаштирилгани, янги мактаб, академик лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртларининг барпо этилгани ва моддий-техника базаси мустаҳкамлангани алоҳида эътиборга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТ

*Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш тизимли чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш кичик бизнеснинг жадал ривожланишини таъминлайди.*

# Иқтисодиётимизнинг етакчи кучи

Хусусан, “Обод турмуш йили”да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 26 мингдан зиёд янги субъектлар ташкил этилгани, унинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса 55,8 фоизга етгани ана шундан далолат беради. Бунда, табиийки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим ўрин тутди. Нега деганда, ушбу ҳужжатда соҳани ривожлантиришнинг ойдин йўли белгилаб берилиши билан бирга, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик меъёрлари янада соддалаштирилди.

— Бундан ташқари, мазкур Фармон баъзи йўналишлардаги масалаларимизни ҳал қилибгина қолмай, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларимизни янада кенгайтирди, — дейди Тошлоқ туманидаги “СТА-Пласт” корхонаси раҳбари Султонбек Собиров. — Хусусан, унга кўра, давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш мақсадида рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, 15 та лицензияланадиган фаолият тури бекор қилинди. Молиявий ҳисоботларни текшириш шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилганини айтмайсизми?!

(Давоми 2-бетда).

# ИСТЕЪДОДЛИ, ИЗЛАНУВЧАН, ШИЖОАТЛИ

*Фарзанд — оила чароғбони, умр мазмуни. Бинобарин, унинг саломатлиги, одоби, хушхулқи ҳам жамиятнинг катта ютуғидир. Бугун мамлакатимизда ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб улғайишлари учун беҳад улуғвор ишлар амалга оширилаяптики, унинг самарасидан кўз қувнайди, дил яйрайди. Навқирон авлод камолоти йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ислоҳотлар бир қатор қарор ва қонунларда ҳам ўз аксини топмоқда. Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб белгиланиши эса ушбу йўналишдаги ишларимизга қанот бағишлайди.*



2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ



**Б**у бежиз эмас. Зеро, юртимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши натижасида мустақил фикрловчи, ўз ақли, тафаккури ва салоҳиятини тўла намоён эта олувчи, кенг дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди. Ушбу хайрли ишда, табиийки, “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт марказининг ҳам ўрни беқиёс. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим олишини таъминлаш, қўшимча таълим-тарбия бериш, уларни қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ касб-ҳунарга йўналтириш борасида фаолият олиб бораётган ушбу марказ болалардаги иқтидорни камол топтиришга хизмат қилиб, уларни маълум ҳунарни эгаллашга, санъат билан ошно тутинишга, чет тилларини пухта ўрганишга ҳам рағбатлантирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ДИЛ СЎЗИ

*Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини чуқур ўрганиб чиқдик.*

# Ишонч мезони

Унда истиқлол йилларида юртимизда барча соҳаларда, шу жумладан, тадбиркорлик борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари, эришилаётган ютуқлар, илдам қадамлар аниқ далиллар асосида таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб берилди.

“Кичик бизнес шакллан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда”, дея алоҳида таъкидлади давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-бетда).

# Чемпионлар — фахримиз, умидимиз

*Болалигида тўп ортидан югурмаган киши бўлмаса керак. Акобир ҳам бундан истисно эмас. Фарқ шундаки, Акобир футбол билан астойдил шуғулланди. Даставвал Вобкентда, кейин эса Бухоро шаҳрида малакали мутахассислар қўлида сабоқ олди.*

БОЛАЛАР СПОРТИ

Ўз устида қаттиқ ишлади. Жисмоний тайёргарлиги, тактик маҳоратини ошира борди. Мураббийлар эътиборини ундаги яна бир жиҳат ўзига тортди. Йигитчада голни ҳис этиш қобилияти бор эди. Ҳужумчи учун бу жуда муҳим фазилат саналади. Воқеалардан илгарилаб айтишимиз лозимки, ундаги айни шу фазилат 2012 йили Эронда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳал қилувчи ўйинида қўл келди. Унинг ажойиб голи ўсмирларимиз кучига куч қўшди. Пировардида юртдошларимиз япониялик тенгдошларидан устун келиб, Осиё чемпиони бўлишди.

— Сўнгги йиллар мен учун, чиндан ҳам, ёдда қоладиган давр бўлди, — дейди “Бухоро” жамоасининг умидли футболчиларидан саналган Акобир Тўраев. — Терма жамоамиз сафида Осиё чемпиони бўлдим. Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Лекин ҳали энг катта ютуқларим олдинда, деб ҳисоблайман. Галдаги мақсадим “Бухоро”нинг асосий таркибидан мустаҳкам ўрин олиш, терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш...

(Давоми 4-бетда).

# Халқаро конвенция тақдимоти

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсон ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, сиёсий ёхуд диний эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ёхуд табақавий, бошқа шароитидан қатъи назар, барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Бу жисмоний имконияти чекланган шахсларга ҳам бевосита ва тўла тааллуқлидир.*

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланиб келинмоқда. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, изчил такомиллаштириб борилмоқда, тегишли халқаро ҳужжатлар ратификация қилинаётир.

Ўзбекистон 2009 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенцияни имзолаб, унда белгиланган устувор вазифаларни фаол амалга ошириб келаётгани бунинг тасдиғидир. Зеро, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш учун қўшимча кафолатлар белгиланган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда мазкур конвенциянинг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар қатнашди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили С. Приснер ва бошқалар томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистонда имконияти чекланган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар, давлатимиз раҳбарининг “2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ногиронларнинг ижтимоий реабилитацияси, уларга тиббий-психологик хизматлар кўрсатиш борасида барча шарт-шароит яратилган. Улар зарур дори-дармонлар, протез-ортопедия воситалари билан таъминланмоқда. Шунингдек, ногиронларнинг ижтимоий бандлигини мустаҳкамлаш, махсус инклюзив таълим тизимини ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилаётир.

Маълумки, 2014 йил Президентимиз томонидан мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Демак, мазкур йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар янада юксак даражада давом эттирилади.

— Конвенциянинг ўзбек тилида чоп қилиниши соҳага оид халқаро мезонлар ва стандартлар билан бевосита танишиш имконини беради, — дейди қўмита аъзоси Б. Машарипова. — Ўз навбатида, имконияти чекланган инсонларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини сўзсиз таъминлашда давлат органлари қаторида, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини кенгайтириш, ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантириш асосида жабҳадаги лойиҳалар сони, сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Тақдимотда мавзуга оид маърузалар ҳам тингланди.

**С. МАХСУМОВ.**



# Иқтисодиётимизнинг етакчи кучи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётгани туфайли “СТА-Пласт” жамоаси ўтган йилдан бошлаб ўз маҳсулотларини Афғонистон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон мамлакатларига экспорт қилмоқда. Йил якуни бўйича эса экспорт салмоғи 150 минг АҚШ долларидан ошди. Энг муҳими, илгари хом ашё хориждан сотиб олинган бўлса, эндиликда фақат юртимизда ишлаб чиқарилаётган гранулалардан 100 турдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, биргина 2013 йилда Фарғона вилоятида 3245 та тадбиркорлик субъекти фаолият бошлади. 6700 нафардан зиёд ишбилармон якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Пировардида яратилган 93 мингга яқин иш ўринларининг 80 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келди.

Шу билан бирга, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилгани, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар 5-7 йилга солиқ, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаб, модернизация ишларини олиб борган корхоналар эса божхона тўловларидан озод этилгани хорижий сармоя иштирокидаги тадбиркорлик фаолияти ривожи учун ҳам қулай шарт-шароит яратди. 2012 йилда вилоят бўйича чет эл инвестицияси иштирокида 11 қўшма корхона ташкил қилинган бўлса, бултур 17 та ана шундай корхона ишга туширилгани бунинг тасдиғидир. Ҳозирги кунда эса ҳудуддаги жами 119 та хорижий корхонада 24 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборли жиҳати, агар 2012 йилда 86 та корхона экспорт билан шуғулланган бўлса, бугун уларнинг сони 248 тани ташкил этаётир. Айниқса, якунланган йилнинг ўзида тадбиркорлар томонидан 14 хил янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Мухтасар айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган амалий ёрдам, улар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижасида янги иш ўринлари очилмоқда, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, аҳолига замонавий хизматлар кўрсатилмоқда. Бу эса тадбиркорлик иқтисодиётимизни ҳаракатлантирувчи кучга айланаётганининг амалий тасдиғидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АНЖУМАН

*Тошкент давлат иқтисодиёт универстетида Ўзбекистонда молиявий таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Микромолия институтлари миллий ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Марказий банк масъул ходимлари, таълим ва молия муассасалари вакиллари қатнашди.*

# Молиявий таълим ва амалиёт

Таъкидланганидек, кейинги йилларда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида молиявий таълимни равнақ топтириш, айниқса, аҳоли турли ёш қатламларининг бу борадаги саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири ҳамон сақланиб турган ҳозирги мураккаб шароитда оилалар молиявий аҳволининг яхшиланишида иқтисодий билимлар муҳим аҳамиятга эга. Зеро, оила бюджетини тузиш ва уни самарали бошқариш, шахсий жамғармаларни тўғри мақсадларга йўналтириш, депозит, кредит, суғурта ва бошқа молиявий хизматлардан ўз ўрнида фойдаланиш молиявий кўрсаткичларни яхшилаш имконини беради.

Мамлакатимизда масаланинг шу жиҳатлари эътиборга олиниб, ёшларга таълимнинг барча босқичларида мустаҳкам молиявий билимлар берилаётгани диққатга сазовордир. Анжумандан кўзланган мақсад эса ушбу жараёнда таълим ва молия муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўқув тизимида замонавий услубларни қўллашга қаратилган ишланмалардан кенгроқ фойдаланишни муҳокама қилишдан иборат эди. Шу боис соҳанинг долзарб мавзулари қамраб олинган маърузалар иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Тадбирда аҳолининг молиявий маданиятини юксалтиришда халқаро ташкилотлар кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам қўл келаётгани алоҳида қайд этилди. Йиғилганларга ўтган даврда бу борада бажарилган ишлар самаралари ҳақида маълумотлар берилди.

Конференция доирасида, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун мўлжалланган “Молиявий саводхонлик асослари” ўқув қўлланмасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон эришган муваффақиятлар малайзиялик мутахассислар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани аҳоли турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу ўсиб келаётган авлод учун, унинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол ривожланиши учун кўрсатилаётган ғамхўрлик тасдиғидир.

**Тан Сри Хью Сунг,**
**Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси ижрочи котиби:**

— Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий тараққиёти натижалари энг юксак баҳога муносибдир. Саноатни модернизациялашга ҳамда ишлаб чиқаришга юқори технологияларни қўллашга йўналтирилган чора-тадбирлар хорижлик сармоядорларни мамлакат ҳудудидаги лойиҳалар учун маблағ киритишга рағбатлантираётган бош омил ҳисобланади.

Малайзия Уюшган хитой савдо-саноат палатаси қўшма сармоявий лойиҳалар имкониятларини муҳокама қилиш ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш мақсадида Ўзбекистонга Малайзиянинг қатор компаниялари вакилларидан иборат делегацияни юборишни мўлжалламоқда.

**«Жаҳон» АА.**
Куала-Лумпур

# Ишонч мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ушбу ҳаракат бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётида, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашда ҳал қилувчи етакчи кучга айланганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу жараёнда, шубҳасиз, соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, Фармон ва қарорлар асосида тадбиркорларга берилган имтиёзлар, яратилган имкониятлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, 15 та лицензияланадиган фаолият тури, 65 турдаги статистик ҳисобот, 23 та ҳисоботни тақдим этиш тури қисқартирилгани ана шундан далолат беради. Бунинг самараси ўлароқ, кичик бизнес субъектлари рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдиришга ҳисса қўшибгина қолмай, балки уларни четга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлмоқдалар.

Мисол учун, бизнинг масъулияти чекланган жамиятимизни олсак, у 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша пайтда атиги 15 киши ишларди. Ҳозир жамоамизда 93 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Ўтган даврда 500 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилгани туфайли бултур 20,4 миллион погон метр, яъни 11,2 миллиард сўмлик газлама ишлаб чиқаришга, шундан 493 минг АҚШ долларилик қисмини экспорт қилишга эришдик. Бу йилги ниятимиз эса қўлга киритилган ана шу ютуқларимизни янада мустаҳкамлашдан иборат. Шу мақсадда 265 минг АҚШ долларилик янги технологияни сотиб олиб, фланел матосининг янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз. Пировардида қўшимча 10 та иш ўрни очилади, даромадимиз эса янада ортади.

Президентимиз ўз маърузасида юртимизда кичик бизнеснинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилганини қайд этган ҳолда, қишлоқлардаги тадбиркорлар олдида турган баъзи муаммоларни бартараф этиш масаласига ҳам тўхталиб, тизимни янада ривожлантириш, ишбилармонларга кенг йўл очиб бериш каби вазифаларни ўртага қўйдилар. Бу давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга кўрсатилаётган яна бир ғамхўрлик, билдирилаётган катта ишончдир. Шу ишончни оқлашимиз учун эса Ватанимиз тараққиётига ўз улушимизни қўшишимиз лозим. Зеро, эл манфаати — муқаддас.

**Аҳмад ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Урганч шаҳридаги «Урганч бахмал» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

ДАВРА СУҲБАТИ

*Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада кенг кўламли саъй-ҳаракатлар тизимли равишда олиб борилмоқда.*

# Аёллар манфаатлари — доимий эътиборда

Аёллар ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топгани, айниқса, ушбу масалага оид бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакатимиз томонидан ратификация қилингани хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) 1995 йилда ратификация қилинган.

Ўзбекистонда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик БМТнинг тегишли қўмитаси томонидан ўрганиб борилмоқда. Бу борада ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ижросига доир 4 та Миллий ҳисобот кўриб чиқилган. Юртимизнинг ҳар бир даврий ҳисоботи муҳокама қилиниб, унинг натижаларига кўра якуний таклифлар тақдим этилган. Мамлакатимизда шу асосда Миллий ҳаракат дастури (МҲД) ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида, Осиё тараққиёт банкининг минтақавий ваколатхонаси кўмагида гендер статистикасини жамлаш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишни янада такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, гендер статистикаси, бу — эркаклар ва аёларнинг мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларидаги ўрни ҳақида маълумот бўлиб, Ўзбекистонда уни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимиз гендер статистикаси бўйича илк веб-сайт яратилди. Унинг тақдимотида мазкур манбанинг аҳамиятли томонларига тўхталиб ўтилди.

— Мазкур сайтга интернет тармоғининг gender.stat.uz манзилига мурожаат қилиш орқали кириш мумкин, — дейди Давлат статистика қўмитаси демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи А. Жумаев. — Унда мамлакатимиз ҳаётига оид демография, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқбузарликка доир маълумотлар жамланган. Маълумотлар тизими, ахборотлар доимий равишда янгилаб борилади.

Давра суҳбатида гендер статистикасини келгусида янада ривожлантириш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни манфаатдор ташкилотлар ўртасида мувофиқлаштириш масалалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИСТЕЪДОДЛИ, ИЗЛАНУВЧАН, ШИЖОАТЛИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда марказимизда 39 та тўгарак фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар мингга яқин ўқувчини ўз атрофига бирлаштирган. Айниқса, “Бадиий ижодиёт”, “Техник”, “Ўлкашунослик ва экология” йўналишларидаги тўгараклар иштирокчилари бўлган ўқувчиларнинг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги халқаро ҳамда республика миқёсида ташкил этилаётган танлов ва фестивалларда ҳам ўз аксини топмоқда. Айтиш мумкинки, ўтган йил марказимиз ўқувчилари учун омадли кечди. Уларнинг “Улуғбек юлдузлари” номли “Космик макетлаштириш ва моделлаштириш” Республика очиқ кўрик-танлов чемпионати, “Ёш ижодкор”, “Миллий рақслар”, “Нафосат олами” сингари республика миқёсидаги кўрик-танловлардаги иштироки марказга қатновчилар сонининг янада ортишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Бугун республикамиз ҳудудларида фаолият юритаётган ана шундай марказлардаги жами 4100 та тўгаракларга юз минг нафарга яқин ўқувчи қатнашишини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолияти фойдали ва мазмунли кечаяпти, дейишимиз мумкин.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида марказимизда “Инглиз тили” тўгараги фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, жойлардаги “Баркамол авлод” болалар марказлари учун махсус “Инглиз тили” тўгараги ўқув режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Шу билан бирга, тўгарак раҳбарларида ижодкорлик қобилиятларини янада ривожлантириш, малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Бинобарин, “Йилнинг энг яхши услубчиси”, “Ижодкор тўгарак раҳбари” сингари кўрик-танловларда марказимиз мутахассислари фаол иштирок этиб келишмоқда.

Соғлом бола йилида марказимизнинг бадиий ижодиёт йўналишида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар ўртасида “Бадиий нафосат билимдони” кўрик-танловини ўтказиш, “Ўзбекистон — дунё болалари нигоҳида” номли халқаро расмлар кўрик-танловини ташкил этиш, шунингдек, тизимли равишда республикамиздаги барча “Баркамол авлод” болалар марказларига амалий-услубий семинарлар ва методик хизматлар кўрсатиш каби муҳим вазифаларни режалаштириб қўйганмиз. Мақсад аниқ. Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш.

**Зокир ТОВБОЕВ,**
**«Баркамол авлод» Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори.**

Б. АКРАМОВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

*Адабиёт, бадиий адабиёт халқнинг руҳий оламини, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантира олишга, қанотлантиришга қодир буюк бир санъат. У инсоннинг касбидан қатъи назар, каттадан-кичик барчага бирдек баробар азиз ҳисобланадиган неъматдир. Зеро, у — кўнгил фани. Кўнгиллар рўшнолиги ўшандандир.*

*Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг шу йўлда адабиётимиз, умуман, маънавиятимиз ривожига катта аҳамият бериб келаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. 1991 йил Ўзбекистонда "Алишер Навоий йили" деб аталди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккирнинг муҳташам ҳайкали очилиши фараҳбахш байрамга айланиб кетди. Адабиётимизнинг забардаст вакиллари таваллуд кунлари юксак мақомларда нишонлангани кўнгилларга ғурур бағишлади. Истиқлол учун курашган бир гуруҳ марҳум адибларимиз мустақил давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Булар айрим мисоллар, холос.*



# ШОИРНИНГ СОЗИ ТИНМАЙДИ

**2009** йилда Президентимизнинг бадиий ижод ривожланишида кескин бурилиш ясаган "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли рисоласи эълон қилинди. Рисолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олиб бориши лозим бўлган фаолияти аниқ белгилаб берилди ва бу рисола бугунги кунда ижод аҳли, Ёзувчилар уюшмаси учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда эълон қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижод аҳли учун оламшумул аҳамиятга эга бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" фонди олдига ҳақиқий ёзувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, юксак савияли бадиий асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, фахрий ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби ҳамда бошқа кўп қутлуғ вазифалар қўйилди.

2013 йил 27 декабрь куни "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президент қарори матбуотда эълон қилинди. Маданий ҳаётимизда катта аҳамиятга молик, ўқувчилар кенг оммасини, бутун жамоатчиликни, ижод аҳлини бағоят мамнуну масрур этган ушбу қарор Президентимиз томонидан адабиётимиз, маънавиятимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ажойиб намунаси, десак, тўла ҳақлимиз. Бинобарин, оташин шоир Муҳаммад Юсуф, дарҳақиқат, ҳар қанча иззат-икром кўрсатилса арзийдиган сўз санъаткоридир.

Қарорга асосан белгиланган тадбирлар жуда ранг-баранг. Унга кўра, шоирнинг "Сайланма" асарлари, "Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида", ўзбек шоирларининг шоир хотирасига бағишланган шеърларидан иборат "Сен халқимнинг юрагида яшайсан" каби китоблар нашр қилинади, шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм тайёрланади, Тошкентда шоир яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади, уй атрофи ободонлаштирилади.

Шоир ижодининг аҳамиятини, унинг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга ўрнак ва ибрат сифатида етказиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатнинг барча вилоятларида январь — апрель ойларида "Адабиёт кунлари"ни ўтказади.

Апрель ойида Андижон вилояти театрида ҳамда Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтадиган, шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий анжуманларда мамлакатнинг таниқли ижодкорлари ва санъаткорлари, давлат ҳамда жамоат арбоблари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон — дунёда ўхшаши топилмас бебаҳо ўлка. Унинг замини пок, ҳавоси тоза, осмони мусаффо, одамлари оққўнгил, танти. Бу заминда туғилган одамнинг шеър ёзмай иложи йўқ.

Муҳаммад Юсуф ана шу табаррук тупроқда туғилди, шу тупроқни севди, шу тупроққа жонини фидо қилди. Юртимизнинг танти ва жўмард ўғлонларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз шеърларини куйлаб ёзар эди, унинг шеърлари мусиқадай қуйилиб келар, ҳали сиёҳи қуримай қўшиқ бўлиб кетарди. Қўшиқлари шунчалар самимий ва табиий эдики, ўз-ўзингдан хиргойи қилиб юборганингни билмай қолардинг киши. У чинакам халқ шоири, мустақиллик учун курашган ижодкорлардан биридир. Ўзбек, миллат, Ватан, озодлик, ўзбеклик ғурури, улуғ боболарга ворислик туйғуси унинг шеърларида гупуриб туради. Шеърлар номига эътибор беринг: "Ўзбекистон", "Ўзбек", "Ўзбекнинг аёллари","Ўзбекмомо", "Ўзбек қизлари", "Ватан", "Ватан мадҳи", "Ватан ягонасан", "Ватанни севинг", "Менинг Ватаним"...

***Зиё оққан мен юрган йўл-йўлакка***
***Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.***
***Дунёларни ўрантирган ипакка,***
***Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман!***

— деб ёзади шоир ғурур билан "Ўзбекман" номли шеърида.

Шоир кам гапирарди, кўпроқ эшитарди, ўз-ўзини бўрттириб кўрсатиш касалидан мутлақ йироқ, самимий инсон эди, шу сабабдан ҳам ҳамиша шеърият мухлислари унинг атрофида парвона бўлардилар.

**Э**симда бор, ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирлари эди чамаси, Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлди. Ёш бир йигитча минбарга чиқиб, таниқли шоирлар қаторида шеър ўқиди, ўқиди-ю улоқни олиб кетгани билинди! Бу ёш шоир Муҳаммад Юсуф эди, унинг шеъри дўппига бағишланганди. "Бош қолмади дўппига лойиқ" сатрини келтирганда, зал олқишларга тўлди. Назокат билан айтилган, чуқур рамзий маънога эга бу шеър ўзбекликни, ўзбекни улуғловчи, ғуруримизни юксакка кўтарувчи тимсол сифатида жаранглаганди. Шоир дўппига лойиқ одамлар бўлишини, шуларнинг сафида шахдам юришни орзу қилди.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг энг олий фазилати, фикримча, бу унинг соф ва пок самимиятида мужассамдир. Самимият, халқона руҳ унинг шеърларини жилолантириб, безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Энг яхши фазилатларидан яна бири — лоқайдликдан йироқлик, ҳаётга бефарқ эмаслик. Куйканак кўнгил, аммо йиғлоқилик, қўл қовуштириб тақдирга тан бериб ўлтириш унга ёт. У кўрган, завқланган ёки нафратланган нарсасини дарҳол ифодалашга интилди, қўлига қалам олди.

Шоир ижодида бўй чўзиб турган муҳташам образ — бу, албатта, Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Муҳаммад Юсуф "юрагининг Оламлпаноҳи бўлган" Ватан ҳақида ҳамиша жўшиб ёзади. У том маънода Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат — Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат.

***Дўстлар, оғиз тўлдириб Ватан***
***Дея олмоқ ўзи бахт экан!*** —

дея ҳайқиради "Ҳур ўлкам" шеърида. Бу ёруғ оламнинг жаннатлари борлигини, кўплигини айтиб, аммо Ватандан бўлаги бари миннат эканини таъкидлайди. Бунда теран фалсафа мужассам. Ватан, бу — "той қоқилиб, от бўлгувчи яйловдир", дейди. "Юртнинг этагини ўпишга (ҳатто! — ***М.А.***) осмон энгашган..."ини кўриб ғурурланади шоир. Бу Ватанда "кулгичида офтоб чиқиб, офтоб ботган" гўзаллар яшайди, дея шавқу сурурга тўлади шоир қалби. "Зоҳиринг сувдай тиниқ, ботининг зарбулмасал.." дея васф этади "Ҳайрат" шеърида. "Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш...", дея мақтанади.

"Изҳори дил" шеърида шундай сатрлар бор:

***Кўҳна тол бешикдан***
***Бошланар олам,***
***Сенга иддаолар***
***Қилмай севаман.***
***Бир куни синглим, деб,***
***Бир куни онам, —***
***Ватан,***
***Кимлигингни***
***Билмай севаман.***

Шоирнинг Ватанга муҳаббати ғаройиблиги, худди ана шунда, яъни:"...иддаолар қилмай севаман!" дейишида! Бу, айниқса, ёшлар учун катта ибрат намунасидир.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг яна бир фазилати унинг соддалигидадир. У ўз шеърлари учун ҳар хил шакллар ҳам қидириб юрмайди, халқ қўшиқлари йўлида, гоҳида мурабба шаклида қалам тебратишни хуш кўради. Шунда шеърлар қоғозга равон ва содда тушади, маъносини тушуниш ҳам осон кечади. Чунончи, "Ўзбек" шеърида шундай сатрлар бор:

***Ёмон шеър ёзсанг ҳам,***
***бетингдан ўпиб,***
***Кам бўлма, болам,***
***деб яшайди ўзбек...***

Бунда ўзбекнинг кенгфеъл, кечиримли, танти ва жўмардлиги жуда чиройли акс эттирилган.

Умуман, шоир шеъриятида халқимизга хос ҳаётсеварлик, деҳқонча руҳ, тантилик, чапанилик, шарқона донишмандлик, соддалик, майин лиризм, шўхлик каби хислатлар бири-бирига омихта бўлиб, ранго-ранг манзаралар ҳосил қилади.

**М**устақиллигимизни баланд пардаларда куйлаган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шарафли умр кечирди. Бугун шоирнинг "Лолақизғалдоқ", "Иқрор", "Муҳаммадқодир", "Мен дардимни кимга айтаман", "Меҳр қолур, муҳаббат қолур", "Биз бахтли бўламиз", "Ўзбекман", "Дўппи" сингари ва яна кўп илиги тўқ, мукаммал, оҳанрабоси кучли гўзал шеърлари шеъриятимиз бўстонини безаб турибди. Мамлакатимизда шоир таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланаётгани унинг шарафли умр кечирганини яққол намоён этмоқда.

Шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган "Лолақизғалдоқ" шеърида шоир:

***Мендан нима қолар,***
***Икки мисра шеър,***
***Икки сандиқ китоб,***
***Бир уюм тупроқ...*** —

деган сатрларни келтиради.

Йўқ, шоирдан бир уюм тупроқ эмас, катта маънавий хазина, гўзал шеърият, Ватанга садоқат, она халқига ихлос, ҳаётга мангу муҳаббат қолди...

Кечагина ёнимизда яшаб юриб, бугун тирик тарихга айланган оташин шоир ҳамиша биз билан, халқ билан, юрти, Ватани билан бирга, ҳамиша давлатимиз раҳбари назарида, эътиборида, эл ардоғида, ўқувчилар қалбида.

Ўтли шоирнинг сози созланган, у ҳеч қачон тинмайди, ўлмас бўлиб ҳамиша жаранг бериб тураверади.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси.**

# Чемпионлар — фахримиз, умидимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, 2013 йил қаҳрамонимиз учун омадли кечди. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Акобир "Йилнинг энг яхши ёш футболчиси" деб топилди. Меҳнати муносиб тақдирланди.

Яна бир юртдошимиз — Бекзод Туйғунов эришаётган натижалар ҳам кишида фахр туйғусини уйғотади. Спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланаётган бу йигитча устозлари Олим Равшанов ва Суҳроб Давроновнинг ишончини оқлаб келаяпти. 52 килограмм вазн тоифасида мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони саналган Бекзод учун кейинги икки йил янада омадли кечди. У Озарбайжонда ташкил этилган халқаро турнирда олтин, Туркияда ўтказилган нуфузли турнирда бронза медалини қўлга киритди. Бултур эса Дубайда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлди.

— Муҳими, Акобир, Бекзод сингари спортнинг у ёки бу турига меҳр қўйиб, юртимиз донғини дунёга таратаётган ёшлар сони йил сайин кўпаймоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Ў. Нажмиддинов. — Бугунги кунда вилоят бадиий гимнастика мактаби тарбияланувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Замира Саноқулова, синхрон сузиш бўйича спорт устаси Вероника Нуриева, спорт усталигига номзод Маржона Баротова, боксчи Улуғбек Раҳимов, курашчи Руслан Болтаев каби ўнлаб иқтидорли ёшларимиз қувончли ютуқларни қўлга киритишаяпти. Улар эришаётган муваффақиятлар замирида эса Президентимиз, ҳукуматимизнинг спорт, айниқса, болалар спортини равнақ топтириш борасида кўрсатаётган катта ғамхўрлиги акс этиб турибди. Мана бир мисол. Кейинги ўн йил ичида жамғармамиз маблағлари эвазига вилоятда жами 98 та иншоот барпо қилинди. Шуларнинг 85 таси замонавий спорт мажмуаларидир.



Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантиришга бўлган бундай эътибор чемпионлар авлодини камол топтириш имконини бермоқда. Айни дамда вилоятда мунтазам тарзда спорт билан шуғулланувчилар сони 160 минг нафардан ошди. Уларнинг 121 минг нафардан зиёди қишлоқ жойларда яшовчи ўғил-қизлар экани эътиборга моликдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



*"Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан, "Қорақалпоқфильм" киностудиясида "Қўрғон" бадиий фильми суратга олинди.*

### «Қўрғон» талқини

Ватанга хизмат қилиш, унинг осойишталигини асраб-авайлаш масъулиятли вазифа эканлиги хусусида ҳикоя қилувчи ушбу бадиий фильм Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, сценарий муаллифи Муратбой Низанов ва режиссёр Абдувоҳид Ғаниев томонидан яратилди.

**Дилфуза ТУРДИБОЕВА.**

### Қиш зийнати

*Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи қошида ташкил этилган "Колибри" болалар ижодий студияси томонидан "Қиш манзаралари" деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

Унда ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган ва эртак қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилган ўйинчоқлар, совғабоп буюмлар, кийим-кечаклар намойиши ҳамда қўшиқлар танлови ўтказилди.

Эътиборли томони шундаки, кўргазмага қўйилган ўйинчоқлар Меҳрибонлик уйларига совға қилинади.

**Дилноза ЗОКИРОВА.**

### Юртдошимиз — танлов ғолиби

*Марказий Осиё ва Корея давлатлари "Достончилик санъати" қўмитасининг эртак, афсона, миф ва эпослари асосида ўтказиладиган сценарийлар танловининг бу йилги ғолиблари аниқланди.*

Ушбу анъанавий тадбирда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этиб келишади. Жанубий Кореянинг Кванджу шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда юртдошимиз Муҳаббат Йўлдошеванинг "Кўҳи қоф мамлакати шаҳзодаси" номли сценарийси ғолиб деб топилганлиги ҳақида хабар келди.

Таъкидланишича, бу йилги танловнинг якунловчи босқичида жаҳоннинг ўн тўртта мамлакатидан 258 нафардан зиёд киноижодкорлар асарлари танлаб олинган. Юртдошимиз қаламига мансуб сценарийнинг юқори баҳоланиши эса бой маданий меросимизнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Тўрақўрғон тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2013 йил 27 августдаги 16-130/7423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Холматов» ҚФЙ, «Катта қўрғонча» МФЙда жойлашган, «Тўрақўрғон киновидео» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 487,94 кв.м., қурилиш ости майдони 517,74 кв.м. бўлган «Қўрғонча» кинотеатри бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 160 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 11 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 7 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

155R/1453

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 12 февраль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда: Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6 048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3 577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 284 924 458 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 10 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини беш банк куни ичида тўлиқ тўлаши керак.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

159A/105

***Республика аҳолиси диққатига!***

**«JUN LONG INDUSTRIAL»**
**масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси**

**табиий Ангрен кўмир кукунидан тайёрланган кам аралашмали ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган**



**кўмир брикетларини ҳамда сув билан иситиш печларини**



**таклиф қилади.**

***Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.***
***МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.***

**Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Ангрен» махсус индустриал зонаси. Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73. e-mail: jlangren@mail.ru**

114R/1048

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 342 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5